
"Абдуқаҳҳор ота зиёратгоҳи"ни обод масканга айлантириш ишлари жадал суръатда давом этмоқда

[Аввал хабар берганимиздек](#), Бекобод маҳалла фуқаролар йиғинида сўфийлик таълимоти намоёндаларидан Ҳожа Аҳмад Яссавий асос солган "Яссавия" тариқати вакили шайх [Абдуқаҳҳор ота Абдулвакқос ўғлининг](#) хонақоҳлари сақланиб қолган.

Йилнинг баҳор, ёз ҳамда куз ойларида зиёратгоҳ улуғ аجدодимиз хусусида чуқур тасаввурга эга бўлиш, уни ёд этиш ниятида келган зиёратчилар билан гавжум бўлади. Бугунгача зиёратчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар талаб даражасида эмас эди. Туман раҳбари бошчилигида, соҳа мутахассислари, ёши улуғ кишилар, аҳоли вакиллари сай ҳаракатлари билан ушбу маскан обод этилмоқда. Бу кўрилаётган амалий чора-тадбирлар туманимизда аҳолини мароқли ҳордиқ чиқариши, туризмни ривожланишига хизмат қилади.

Айни кунларда зиёратгоҳни замонавий кўриниш лойиҳаси юзасидан ишлар жадал давом эттирилмоқда. Зиёратгоҳга кириш учун икки томонлама йўл, оталар чойхонаси, зиёратгоҳ мақбараси, болалар майдончаси, автотураргоҳ, book safe, 50 ўринли амфитеатр қуриш ҳамда зиёратгоҳга олиб борувчи йўллар ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилмоқда.

2023-01-07 08:52:30